

## 57-боб. Яҳудийми, насронийми, мажусийми яхшилик қилиш керак



15:45 / 28.08.2019 2151

Ибн Умардан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга Жаброил қўшни хусусида тавсия бераверганидан уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим», дедилар».

*Шарҳ:* Бу [ҳадис](#) ҳам Жаброил алайҳиссаломнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўшнининг ҳаққи ҳақида васият қилгани ҳақида бироз аввалроқ Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисни такрорлаб келган.

???? ?????? ?????? ???? ?????????? ?????????? ??????????

???? ??????? ?????????? ?????????? ??????????????:

????????????? ?????????????? ?????????????????????? ??????????????

????????? ?????????????????? ?????????? ?????????? ??????

??? ????? ????? ????? ??????????: «??? ?????? ????????????

????????????? ?????????????? ?????????? ?????????????? ??????????

?????????????????????».

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Унинг қўйи сўйилди. У хизматкорига:

«Яҳудий қўшнимизга ҳам ҳадя қилдингми? Яҳудий қўшнимизга ҳам ҳадя қилдингми? – деб ҳадеб сўрайверди. Сўнг: – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Менга Жаброил қўшни хусусида тавсия бераверганидан уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим», деганларини эшитганман», деди».

*Шарҳ:* Бу ҳадисда саҳобалардан бирларининг ана шу ҳадиси шарифга қандай амал қилишлари кўрсатилмоқда. Қўшни душманлик қилиб юрган ғайридин одамлардан, яъни яҳудий экан. Лекин ҳадисда «қўшни» дейилганми, бўлди. Яҳудийми, насронийми, мажусийми, ким бўлишидан қатъи назар, унга яхшилик қилиш керак.

Хусусан, ушбу ҳадисда қўй сўйса, гўштидан бериш тавсия қилинган. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу буни қайта-қайта тайинламоқдалар. Демак, қўшни ким бўлишидан қатъи назар, мўмин-мусулмонларга қўшнининг кўнглини юмшатадиган, ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайдиган воситалар билан совға-салом қилиб туриш лозим бўлади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ғайридин бўлса ҳам, қўшнининг ҳаққи борлиги.
2. Саҳобаларнинг қўшни ҳаққига риоялари кучли бўлгани.

3. Қўй сўйганда унинг гўшtidан ёки бошқа маҳсулотлардан қўшнига ҳадя қилиш лозимлиги.

4. Қўшнининг ҳаққи тўғрисидаги таълимотлар Жаброил алайҳиссалом орқали келган таълимотлар экани.

???? ?????????? ??????? ?????? ?????????? ??????????:

????????? ?????????? ??????? ??? ?????? ?????? ?????? ??????????:

«??? ?????? ?????????????? ?????????????? ??????????????????

????????? ?????????????? ?????????? ??????????????????????».

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Менга Жаброил қўшни хусусида тавсия бераверганидан уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим», деганларини эшитдим».

*Шарҳ:* Бу ҳадис ҳам Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган бўлиб, Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўшнининг ҳаққи ҳақида васият қилганларини баён этган ҳадисни такрорлаб келган.

**«Одоблар хазинаси» китобидан**